



Buxoro viloyat
hokimligi

AHMAD IBN HAFS KABIR BUXORIY MEROSI VA UNING ILK SHARQ RENESSANSI HAMDA ISLOM FALSAFASI ILMIY NAZARIY ASOSLARINI YARATISHDAGI O'RNI VA AHAMIYATI

mavzusidagi xalqaro
ilmiy-amaliy anjumani

16-17 iyun Buxoro shahri



**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА
КАФЕДРАСИ**

**“ШАРҚ ТИЛЛАРИ ТАЪЛИМИ ВА БУХОРИЙЛАР МЕРОСИНИ
ЎРГАНИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ”
МАРКАЗИ**

**“АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ
МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛҚ ШАРҚ
РЕНЕССАНСИ ҲАМДА ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИШДАГИ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
ТЎПЛАМИ**

2022 йил 16-17 июнь

Бухорои шариф – 2022

эдим. Абу Ҳафс бир ҳарфда хато қилди. Мен билган ҳадис ундай эмас эди. Қайтарган эдим, яна шундай деди, иккинчи марта қайтарганимда, яна шундай хато қилди, учинчи марта қайтарганимда бир муддат сукут сақлаб турди, кейин “Ким бу?”, деб сўради. “Исмоил ибн Иброҳим ибн Бардизбаҳнинг ўғли”, дейишди”. Абу Ҳафс: “Бунинг айтгани тўғри экан. Эслаб қолинглар! Албатта, бу бир куни буюк олим бўлади”, деди”. Буюк олимнинг буюк башорати амалга ошди.

Бу ривоятдан Абу Ҳафс Кабирдек катта олим Бухорийнинг отасини танигани ва бошқалар ҳам уни яхши билганига далолат қилади.

Имом Шофиъий Абу Ҳанифа таърифларида “Одамлар фикҳда у зотнинг боқимандаларидир” деганларидек, Бухоронинг барча олимлари ҳам Абу Ҳафс Кабир олдиларида қарздордирлар. Жумладан, буюк муҳаддис, ҳадис илмининг пешвоси Имом Бухорий ҳам у кишининг шогирди бўлганлар. Бухоронинг аксар олимлари Абу Ҳафсдан таҳсил олишган.

Ҳадис илмининг султони имом Бухорийнинг устози, юртимизда ислом ҳуқуқшунослиги фанига асос солган буюк аллома Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳазратларининг муборак номини абадийлаштириш, илмий меросини халқимизга етказиш мақсадида президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йилда у зотнинг таваллудига 1255 йил тўлиши муносабати билан ушбу санани муносиб нишонлаш бўйича махсус қарор қабул қилди.

Улуғ ватандошимиз, фикҳ илмининг султони Абу Ҳафс Кабирнинг илм-фан оламидаги хизматлари беқиёс бўлиб, у кишининг илмий меросини тадқиқ этиш, ўрганиш, аллома хотирасини абадийлаштириш авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади.

АБУ ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР **Бобир Баҳриевич НАМОЗОВ**

Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбаишунослиги, фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори (DSc) доцент.

“Шарқ тиллари таълими ва бухорийлар меросини ўрганиш” илмий-тадқиқот маркази аъзоси.

Арабистон ярим оролида Маккатуллоҳ ислом дини вужудга келган мукаррам шаҳар сифатида улуғланиши қанчалар табиий бўлса, Бухоронинг ислом илмларига бешик бўлган муқаддас замин, шариф шаҳар сифатида қадрланиши ҳам шунчалар ҳақиқатдир.

Абу Бақр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий “Бухоро тарихи” китобида бир ривоят келтиради: “Бухорода Муҳаммад Толут исмли амир бўлган экан. Бир кун у ўз вазири Хашуяга: “Хожа имом Абу Ҳафснинг зиёратига бориб унинг суҳбатига етишайлик”-дебди. Хашуя Бухоро саркардаларидан бўлиб, обрўлик киши эди, у амирга: “Абу Ҳафснинг олдигаборишинг яхши эмас, сен унинг яқинига борганинга салобатидан ҳеч бир сўз айтолмайқоласан”-деса, амир: “Ҳар нима бўлса ҳам бораман”,-дейди ва вазири билан бирга Хожаимом Абу Ҳафс Кабир олдига боради; у киши масжидда намоз ўқиш билан машғул экан, пешин намозини тугатиб салом берганидан кейин вазир кириб “Амир келган эди, унингкиришига руҳсат борми?”-деб сўраган: “Бор”-дебди. Абу Ҳафс Кабир қиблага қараб ўтирган экан, амир кириб унга салом бериб ўтирибди-ю, лекин ҳеч бир сўз айта олмабди. Имом Абу Ҳафс Кабир нима унга “нима иш билан келдинг”-дебди.

Шунда амир гапирмоқчи бўлибқанча уринса ҳам гапира олмабди. Амир Хашуяни кўрганида у амирдан: “Хожа Абу Ҳафсқандай киши экан?”-деб сўраса, амир: “Сан айтгандек экан, унинг олдида ҳеч гапнигапиrolмай ҳайронликка тушиб қолдим, неча марта халифа ҳузурига бориб у билан сўзлашганман, халифанинг ҳайбати мени сўзлашишдан тўхтата олмаган эди, бу ерда эса у кишининг салобатидан сўз айта олмамай қолдим”-деган экан.

Бу ривоят Бухоро ҳақида эмас, бироқ бу ҳодисада Абу Ҳафс Кабир сиймосида гавдаланган Бухоронинг илм ва маърифат, иймон ва эътиқод, салобат ва салоҳиятини ҳис

қилиш, тасаввур қилиш қийин эмас. Бухоро ҳақида сўз юритганда, унинг бой тарихини таърифлашда ҳар қандай олим шундай вазиятга тушиши тайин. Бухоронинг муқаддаслиги буюк авлиёларга маскан бўлган тупроғи анашундай илоҳий нур инган салобат ва улуғворликка эга.

Зеро, Бухоро шундайазиз авлиёлари, илм ва маърифат масканлари, буюк қомусий олимлари, муҳаддис, фақиҳ, мутасаввиф, тариқат шайхлари билан донг таратган муқаддас диёрдир. Бухоронинг фаҳри Абу Ҳафс Кабир Бухорий (150/768-216-17/832йй.) Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф.189/805йй.) нинг шогирди, Бухоро фақиҳлар мактаби асосчиси, зоҳид ва олим бўлиб, Бухоро ўша киши туфайли “Қуббатул-ислом” номига сазовор бўлди. АбуҲафс Кабир Бухорий Бухоро аҳолисининг илмли бўлишига, Бухорода илм кенг тарқалиши имомлар, уламоларнинг ҳурмат топишларига сабаб бўлганлиги манбаларда келтирилган.

Мусулмон мамлакатларидан кўплаб уламолар Абу Ҳафс Кабирдан ўз саволларига жавоб олиш учун унинг ҳузурига келиб турганлар. Абу Ҳафс Кабир билан бирга Имом Муҳаммаддан таҳсил олган Абу Сулаймон Жузжоний шундай ёзади: “Устозим Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан: “Агар сиз вафот этсангиз илмни кимдан олайлик?” деб сўраганимда, устозим Имом Муҳаммад: “Ҳеч ким илмни Абу Ҳафс Бухорийчалик олган эмас”, -дедилар. Олима Л. Асророва А. Вамбери “Тарихи Бухоро” ва Садатий “Тариху-ддувал” номли асарларида Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг мадрасаси ислом оламининг турли ўлкаларидаги олимлар ва талабаларнинг орзу қилган мадрасаси бўлган”, -деган маълумотни келтиради.

Шунингдек, бу мадрасада фаолият кўрсатган Муҳаммад ибн Аҳмад Шоҳивайх Форсий (361/971йй.), қози Абулҳасан Али ибн Абу Насрнинг “Саҳиҳ Бухорий” ни Абу Саҳл Ҳафсийд (513/1119-20йй.) ўрганиш учун 460/ 1067-68 йилда мадрасага ўқишга келганлигини, лекин “жавоҳирул-мудиа” асарида машҳур Шамсул-айма Кардарийдан (ваф.642/1244йй.) фикҳ ва ҳадис илмини ўрганган шогирди Аҳмад Масъуд ибн Аҳмад Соидий Абу Ҳафс Кабир мадрасаси мударриси бўлганини айтади. Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг “Китобу-т-тахриж”, “Фавоид”, “Фатово”, “Масоил” каби асарлари борлиги тадқиқотчилар томонидан аниқланган.

Наршахий Бухоронинг “Дари Ҳақрах” дарвозаси ҳақида ёзиб ўша маҳаллада Абу Ҳафс Кабир яшаганлигини таъкидлайди. Унинг ёзишича, “Абу Ҳафс Кабир саройи, кишилар у жойни қанчалик тузатиб турганликларига қарамай, бу кунгача сақланиб қолган эмас, лекин ундан айрим нишонларгина боқий қолган, “савмаа”-ибодат қилинадиган жой ҳам у уйда ўз ўрнида турибди ва дуо қабул бўладиган жойдир, -деб эътироф этади. Унинг вафоти (832 й.) эди. Абу Ҳафс Кабир қабри “Дарвозайи нав”да дуо қабул бўладиган машҳур жой. У тепалик Хожа имом Абу Ҳафс тепалиги дейилади. У ерда масжид ва ибодатхоналар бўлиб ҳамиша мужовирлар келиб турадилар. Халқ унинг гўрининг тупроғини табаррук билади. У жойнинг “Ҳақрах” дейилишига сабаб одамлар ўша ерда Абу Ҳафс Кабирдан фатво олар эдилар ва бу фатвони ҳақ деб билардилар”. Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг ислом илмларига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Унинг мусулмон оламида фикҳшунослик бошланишига йўл очган йирик фақиҳлардан бири Абу Ҳанифа ишининг давомчиси сифатида яхши маълум. Бухоронинг устоз шогирд анъаналари бу юртда кўплаб алломалар, уламоларнинг етишиб чиқиши учун замин яратди. Шундай буюк шайхлардан бири, Абу Бақр Калободий ҳам шу заминда туғилиб, ўз замонасининг энг забардаст алломаларидан бири бўлиб дунёга танилди. У ўзининг “Ат-таъарруф ли мазҳаби аҳли-т-тасаввуф” (“Тасаввуф аҳллари мазҳаби билан танишиш”) тасаввуфий-ирфоний асари билан тасаввуф таълимотининг йирик назариётчиларидан бири сифатида юксак ном қозонди.

Бухорода X асрда тасаввуф назариясининг тамалини қўйди. Бухоро тасаввуф мактабига асос солди. Ислом оламида ислом тасаввуфи билан шуғулланадиган, қизиқадиган ҳар бир олим унинг “Ат-Таъарруф” асарига мурожаат қилмасдан тасаввуфни ўргана олмаган. Инглиз шарқшунос олими Артур Арберри ўз каталогида Калободийни

“Сўфийлик таълимотининг улугъ билимдони”, ҳиндолими Дорошукух бўлса “Сафинату-с-суфия” (“Суфийлар кemasи”) асарида уни “Шариат ватарикат орифи, улугъ шайх” деб тилга олади. Шайх Суҳравардий “Агар ўша Бухоролик АбуБакр Калободийнинг “ат-Таъарруф” асари бўлмаганда тасаввуфнинг нима эканлиги яширинқолади”,-дейди. Абдурахмон Жомий “Агар ат-тааруф набуди тасаввуф дониста нашуди”,деб эътироф этади. Бундай фикрларни кўплаб келтириш мумкин.

Абу Бакр Калободий ислом илоҳиётчиларининг шундай гуруҳига мансубки, унинг улугъ шайх, зукко тасаввуфназарийчиси сифатидаги шухрати ва таълимотининг кейинги авлодларга кўрсатган таъсири умумэътироф этилган. Буларнинг бари уни ислом илоҳиётчиларининг устозларидан бири мақомига кўтаради. Бухоро мазорлари тарихини ёзган Аҳмад ибн Маҳмуд Бухориймутасаввиф номини ҳурмат билан тилга олиб “Абу Бакр Калободийнинг ҳолу аҳволларибаёнга муҳтож эмас. Заҳмат чекиб ораста (поклаш) беришдан кўра ўзлари орастадир”, - дебёзади.

Бухоролик Шайх Сайфиддин Бохарзий шундай ёзади: “Бухоро тупроғида икки киши дафн этилган-ки, уларнинг эҳтиёжи ҳеч кимга тушмайди, улар Абу Бакр Калободий ва Намадпўшдир. Абу Бакр Калободий инсоният тафаккур тараққиётига хизмат қиладиган мукамал асарлар қолдирди. Унинг бизгача етиб келган “Ат-таъарруф ли мазҳаби аҳли-тасаввуф” التصوف أهل لمذهب التعرف (“Тасаввуф аҳли мазҳаби билан танишиш”), Баҳрул фавоид фи маъонил ахбор”الأخبار معان فى الفوائد بحر” Хабарларнинг маъноларига ойдalarуммони”) китоблари тасаввуф соҳасидаги энг нодир манбадир. Бу китобларнинг нодирнухаси Англия қироллик музейининг “Индиаофис” бўлимида сақланади.

Дунё университетларида тасаввуф сабоқлари ушбу китоб асосида ўқитилиб, асосий қўлланма сифатида эътироф этилган. Бухорода ҳадис илми шаҳар маънавий-маърифий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолдаривожланди. Абу Бакр Калободийга замондош муҳаддис Абдуллоҳ ас-Субазмуний (ваф. 872й.) Бухорода турли даврларда яшаб ўтган 42 та ровий ва муҳаддислар ҳақида хабар беради.Ўрта аср сайёҳи, Араб алломаси ас-Саъолибий шундай ёзади: “Бухоро ўша пайтда шоншараф макони, мулк қаъбаси ва замон ягоналари тўпланган жой, ер юзи адибларинингюлдузлари порлаган маскан ва дунё фузалоларининг йиғингоҳи эди”. Албатта,ҳадисшунослик ва ҳадис илми султони Имом Бухорийнинг бу йўналишдаги сай-ҳарактларимезондан ташқари. Унинг “Саҳиҳи Бухорий” сининг “Аввал баъда аввал” яъни Қуръондан кейин турадиган биринчи китоб эканлигининг эътироф этилиши унинг нақадар буюкмавқеини кўрсата олади. Унинг шахсиятига берилган таърифларга кулоқ тутайлик: Ҳофиз Ражо Ибн Муражжо: Муҳаммад ибн Исмоилнинг уламолардан афзаллиги эркакларнинг аёллардан афзаллиги кабидир”,-деди. “Эй Абу Муҳаммад!” шунчаликми? “ дебди бир киши “У Аллоҳнинг ер юзида юрган мўъжизаларидан биридир”. Субкий “У мусулмонларнингимоми , тавҳид аҳлининг ўрнаги, мўъминларнинг шайхи, Набийлар саййиди ҳадисларининг суянчиғи, дин низомининг муҳофазачиси ва “ал Жомеъ ас-саҳиҳ” нинг соҳибидир”, деб эътироф этади. Темурийлар даври деб эътироф этилган XIV-XV асрнинг йирик назарийчиси олимларидан бири Нақшбандия тариқатининг назарий жиҳатарини ишлаб чиққан ва уни тизимга солган шайх Хожа Муҳаммад Порсо бўлиб, унинг тўлиқ исми шарифи Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий (ваф.1419.й.) дир. Муҳаммад Порсо Бухорода ханафийлардан бўлган фақих олим, отаси ва тоғаси (отаси томонидан) Хисомуддин Юсуф оиласида ўсиб улғайган.

Хисомуддин Юсуф Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳамроҳи ва содиқ издоши бўлиб, Ҳофизуддин ал-Кабир, ал-Бухорийнинг (1291-1294 йй.) неварасидир. Абдуллоҳ Лакнавий “ал-Фавойидул баҳия” китобида Муҳаммад Порсонини буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий наслидан деб маълумот беради. Эронлик олим Тоҳири Ироқий “Нафақат муносиб салоҳият ва мақом МуҳаммадПорсонини нақшбандийликда Хожа Бузург ва Алоуддин Аттордан кейин учинчи ўринга кўяди.Илмий нуктаи назардан, Муҳаммад Порсо нақшбандия тариқатининг илмий ва адабийанъаналарининг асосчиси ҳисобланади. Унинг изланувчанлиги ва бой мероси туфайлинақшбандиянинг географик ҳудуди кенгайди.

Муҳаммад Порсо нақшбандия таълимотида илмий тадқиқот услубини бошлаб берган олим сифатида танилган. Ундан кейинги барчанақшбандийлар унинг шогирдлари ва издошларидир”, – деб эътироф этади. У ўткир зеҳн вакучли қобилият эгаси бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди бўлган. Муҳаммад Порсо амалиётчи шайх эмас, балки кўпроқ назарийчи мутасаввиф бўлганлиги ва умрини асосан таълифу тасниф билан ўтказганлиги сабабли силсилаи шарифга кирмаган Баҳоуддин Нақшбанднинг “Сўз ул турурким, Ҳижознинг йўлида тамом айтиб эрдим, ҳар ким бизни орзу қилса, Муҳаммад Порсога назар қилсун”, деган сўзлари манбаларда келтирилади. Баҳоуддин Нақшбанд ўзидан кейин иршод Муҳаммад Порсога ўтишини ишора қилиб, “Улчаким бизда бор эрди тамомисини олдинг”, энди омонатни сен қабул этасан. “Ҳаққи ваомонатиким, Хожагон хонадонларининг хулафоларидин бу заифга етушуб эрди ва улчакимбу йўлда касб этиб турур, ул омонатни сизга топшурдим”¹, дегани ҳақида маълумотлар бор. Ироқ, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан сўнг нақшбандиянинг силсилаи шарифи Муҳаммад Порсо орқали эмас, балки Хожа Алоуддин Аттор орқали давом этади.

Шунингдек, Муҳаммад Порсонинг ханафия фикҳи билан чуқур шуғулланганлигини унинг шогирди Илёс ибн Яҳё ибн Ҳамза ар-Румига 21 шаъбон 821/ 23 сентябрь 1418 йилда Бухорода ханафия фикҳи бўйича берган ижозаси (рухсатномаси) гувоҳлик беради. Муҳаммад Порсонинг 20 дан ортиқ муфассал асарлари бизгача етиб келган. Муҳаммад Порсо илмий меросининг таҳлили ҳамда у ҳақида илмий изланишлар олиб борган олимларнинг хулосаларига таяниб, амалга оширилган қиёсий таҳлилларимиз бўйича унинг асарларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- I. Қуръон, ҳадис, тафсир, калом илмларига оид асарлар;
- II. Нақшбандия тариқатининг тарихи ва тасаввуф назариясига оид асарлар;
- III. Тасаввуф фалсафаси ва фалсафанинг айрим тушунча ва категорияларига оид асарлар;
- IV. Тарих, география, адабиёт, биография туркумига кирувчи асарлари;

Манбашунос олим М. Исмоилов Муҳаммад Порсонинг “Мухтасари тарихи Макка”, рисола тарих илмига ҳамда “Рисола фил мазорот” асари география илмига доир асарлар эканлигини ёзади. Шунингдек, Муҳаммад Порсонинг “Муншоот”, “Таржума и аз “Насрулаолий”, “Шарҳу ар-Рисола ар-рамизат аш-шафия фил-аруз” каби араб тилида ёзилган, арабадабиётига бағишланган асарлари ҳамда унинг ғазалларидан тузилган “Хутба-и дивони уло – дебоча-и девони аввал” ва “Девони-и соний” девонлари борлиги ҳақида маълумот беради. Улар адабиётшунослик учун янги илмий тадқиқот мавзуси бўлади. Муҳаммад Порсосерқирра аллома сифатида ўз асарларида фанларининг муаммоларига қизиқишини намоён этган.

Унинг қуйидаги асарларида табиатшунослик, фалсафа категорияларига бағишланган мулоҳазалари ўзининг тўлиқ таснифини топди, десак, асло хато қилмаган бўламиз. Масалан, “Таҳқиқот” (“Изланишлар”), ёки “Тухфат ас-соликин” (“Соликларга туҳфа”) ирфон-билиштасаввуфнинг гносеологик ва бошқа муаммоларига бағишланган форс тилида ёзилган асар. Ушбу асарда Муҳаммад Порсо худо, табиат, инсон ва ахлоқ, дин ва тасаввуф, айниқса билиш назариясига алоҳида ўрин берган. Бу унинг мутолаа ва илмий салоҳиятининг кенглигини жоиз бўлса, қомусий аллома эканлигини англатади. Муҳаммад Порсодан кейин ўғли Абу Наср Порсо теурийлар даврида жуда катта нуфузга эга бўлиб, “Жон Хожа” лақаби билан танилган. Унинг вафотидан кейин Балхда Амир Мазид Арғун ва Абу Султон Саид унинг қабри устига гумбаз қурдирган. Абу Наср Порсонинг ўғли Абдували Порсо эса Балхда 2 тамадраса қурдирган. Нодир Муҳаммадхон ўз ҳисобидан бу мадрасаларга вақф ажратган.

Абдуллахон II Абдували Порсонини Мирзо Аибий Найман билан бирга Бухорога элчи қилиб юборганлиги тадқиқотларда аниқланган. Муҳаммад Порсонинг машҳур кутубхонасининг маҳсус муҳри бўлиб, унда сақланадиган китобларнинг барчасига белги сифатида муҳр босилган. Тадқиқотчилар Муҳаммад Порсо номи туширилган уч хил муҳр кўринишини тадқиқ этганлар. Хозирги кунда Порсо кутубхонасининг аниқланган 144

адабиёти Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фонди (106та), Россия ФА Шарқшунослик институтининг СанктПетербург филиали (17та), Франция Миллий кутубхонаси (6 та), Тожикистон ФА қўлёзмалар фонди (2та), Қозон университети илмий кутубхонаси (5та) ва шахсий кутубхоналарда сақланаётгани аниқланган. Бухоролик шоир ва олим Садриддин Салим Бухорий Муҳаммад Порсо кутубхонасида қизиқарли маълумот берган.

Унинг ёзишича, “Бухоро шаҳридаги Хожа Нурободкўчасида мақбара бўлиб, мақбара ичида туғ кўтарилган. Лекин бу ер бирор авлиё қабри ҳам, қадамжойи ҳам эмас, балки бу ерда ҳазрат Муҳаммад Порсонинг кутубхоналари бўлган. Дунёда китоб ҳурмати учун ҳеч бир жойда туғ кўтарилмаган”. Бу Бухоро аҳли ва олимларининг китоб ва илмга бўлган муҳаббатининг рамзи бўла олади, дейиш мумкин.

АБУ ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ – МОВАРОУННАҲР ФАҚИҲИ ВА БУХОРОНИ “ҚУББАТ УЛ-ИСЛОМ” ЭТГАН АЛЛОМА Комилжон РАҲИМОВ

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD). kot_rah@mail.ru*

Ушбу мақолада Бухорони “ислом динининг гумбази” қилган бухоролик таниқли аллома Абу Ҳафс Кабир Бухорий – Ҳазрати Имом ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Бухоро, Абу Ҳафс Кабир, Абу Ҳанифа, имом, ислом, фикҳ, мадраса, фатво

В данной статье рассказывается о знаменитом бухасрке ученом, Абу Ҳафс Кабир Бухарий – Ҳазрати имам, благодаря кому Бухара стала “Куполом ислама”.

Ключевые слова: Бухара, Абу Ҳафс Кабир, Абу Ҳанифа, имам, ислам, фикҳ, медресе, фетва.

This article describes the famous scientist from Bukhara, Abu Hafsa Kabir-Khazrati Imam Bukhari, who has made Bukhara the "dome of Islam".

Key words: Bukhara, Abu Hafsa Kabir, Abu-Khanifa, imam, islam, fiqh, madrasah, fatwa

Бутун ислом оламига Абу Ҳафс Кабир Бухорий номи билан танилган улуғ фикҳшунос ва файласуф, илоҳиётшунос, буюк муҳаддис, беназир авлиё, уламолар султони ва сардафтери, Имом Бухорийнинг замондоши ва устози Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ибн Зибарқон ибн Абдуллоҳ ибн Баҳр ал-Кабир ал-Ижлий ал-Бухорий ал-Фақиҳ ал-Ҳанафий хижрий 150 (милодий 767) йили [4,101] Бухоро шаҳрида таваллуд топиб, хижрий 217 (милодий 832) йилнинг [4] муҳаррам/февраль ойида шу ерда вафот этганлар.

Бухородан узоқ ислом шаҳарлари, хусусан, ўша даврда исломий илм ва маданият пойтахти ҳисобланмиш Бағдодга бориб, ҳанафий мазҳабининг асосчиси, илоҳиётчи, фақиҳ, муҳаддис Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит – Имом Аъзам (699, Куфа — 767, Бағдод)нинг таниқли шогирди Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний (ваф. м.804 й.)га шогирд тушган [1,14]. Қайтганида уни бухороликлар байрам қилиб кутиб олиб, оммага хизмат қилишини сўраганлар, масжидни безаб, ўрин тайёрлашган, токи Ироқдан олиб келган илм ва маърифатга бўлган чанқоқларини қондирсинлар [11,82-83].

Имом Аъзамнинг неvara шогирдлари Абу Ҳафс Кабир ислом ҳуқуқшунослиги асосларини яратган йирик олим бўлган. Наршахийнинг ёзишича, унинг шарофати билан Бухоро “Қуббат ул-ислом” – “Ислом динининг гумбази” унвонини олган. Абу Ҳафснинг ўзига “Кабир Бухорий” – “Бухорийларнинг каттаси” ва “Имоми ҳожатбарор” – “Ҳожатларни чиқарувчи имом”, “Ҳазрати имом” деган унвонлар берилган. Абу Ҳафс

МУНДАРИЖА

	Аннотация.	3
Зарипов Б.К.	Табрик сўз.	4
Ҳамидов О.Х.	Абу Ҳафс Кабир Мовароуннаҳр уламоларининг устози.	5
Timur Kocaoglu	Илмий-амалий анжуманимиз меҳмонлари	6
Воҳидод Ш.Ҳ.	Ижтимоий гуманитар фанларнинг инновацион-интерактив усуллари.	7
Вильданова Г.Б.	Религиозно-философский взгляд на социальную работу.	9
الدكتور. عبید محمد عبد الحليم عبد الجواد	جامعة القاهرة الدكتور. بابر نمازوفف. جامعة بخاري ملخص البحث :	14
Dr. AKHLAQUE A.A.	Naqshbandi Silsila In Timurid India	19
ASLI Orunbayev	Ittifoq va taraqqiyot tashkilotning asos va siyosiy tuzilishi	22
Иноятлов С.	Бухоро жаҳон ислом олами маданияти ўчоқларидан биридир: тарих ва бугун	26
Ҳайитов Ш.А.	Саудия Арабистонидаги “Бухорий”ларнинг маънавий мероси ҳақида айрим мулоҳазалар	30
Олимов С. Раҳимов К.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий таваллуд тўйини ўтказайлик.	32
Наврўзова Г.Н.	Бухоро тасаввуфшунослик мактабининг асосчиси	37
Холмуминов Д.М.	Сравнительное суфиеведение – как методология по изучению истории и философии суфизма	43
Альмеев Р.В.	Святые места Бухары: мазар Хазрата Ходжа Мухаммада Порсо в Бухаре и его вклад в мировой успех духовного братства Накшбандийа	49
Тўхсанов Қ.Р.	Муҳаммад Исҳоқ Шавкат Бухорий	54
Хандамова М.А.	Абу Райҳон Берунийнинг маърифатли жамият ҳақидаги ғоялари.	59
Саломова Ҳ.Ю.	Фалсафа ва социология тарихига улкан ҳисса қўшган олим	62
Саломова Ҳ.Ю.	Ибн Сино ва уларнинг сеvimли устозлари	64
Каримов С.	Шарқ ренессансининг тасаввуфий илдизлари	71
Джураев Ҳ.Х.	Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Ал-Бухорий қадамжоси тарихи: кеча ва бугун	76
Нарзиев З.И.	Абулҳасан Ҳужвирий қарашларида тасаввуф антропологияси ва инсон борлиги муаммолари	79
Асророва Л.Қ.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий ёхуд ислом динини ўргатувчи муаллим.	89
Иноятлов А.Х.	Буюк устоз ва буюк шогирд.	93
Намозов Б.Б.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳақида баъзи мулоҳазалар	95
Раҳимов К.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий – Мовароуннаҳр фақиҳи ва Бухорони “қуббат ул-ислом” этган аллома.	99
Баротовна М.Н.	Святые места поклонения Бухары (мазар Хазрати Имам).	108
Қаюмова А.Т.	Ибн Халдуннинг илмий - фалсафий қарашлари.	110
Джураев Ҳ.Х., Хайруллоев С.Ҳ.	Бухоро ва Самарқанда қоғоз ишлаб чиқариш тарихи ва қоғоз ҳақида улуғларнинг пурҳикмат сўзлари.	113
Мирзақулов Б.Т.	Бухорий мутафаккир олимлар.	116
Зойиров Э.Х.	Яъкуби Чархий рисоалар таснифи.	119
Қиличев Р.Э.	Исломда қулчилик ва қулга муносабат.	122
Бобожонов Ш.У.	Бухоро воҳасидаги шифобахшлик хусусиятига эга зиёратгоҳлар.	125
Султонова С.Ю.	Диннинг умуминсоний қадрият сифатидаги ўрни.	127
Хўжанова Т.Ж.	Миллий қадриятларнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни	129
Хўжанова Т.Ж.	Ёшлар тарбиясида Имом ал-Бухорий ҳадисларининг ўрни.	135
Болтаев А.А.	Ибн Арабийнинг “Рисолаи вужудия” асарида борлиқнинг моҳияти тўғрисида.	141
Шарипова О.Т.	Абдуҳолик Ғиждувоний рубоийларида тасаввуф мақомлари ва хожагон тасаввуфий тариқатида интуитив билиш ҳақида	145
Жалолов О.О.	Роль рекламы в развитии деятельности туристических организаций	150